



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 16 август, № 159 (5833)

Жума

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, муस्ताқил Ўзбекистон!

«Бунёдкор — 2013»

Бунёдкор халқимизнинг эзгу нияти, ғайрат-шижоати билан қад ростлаётган муҳташам меъморий иншоотлар, замонавий йўл ва кўприklar, фусункор боғу хиёбонлар бугун барчанинг ҳавасини келтирмоқда. Қувонарлиси, мамлакатимизнинг гуллаб-яшнашида ёшларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бу, шубҳасиз, юртимизда навқирон авлод вакиллари билан бир жабҳадаги фаоллигини ошириш, уларни миллий қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги самарасидир.



Ҳасан ПАЙДОНОВ оlingан сурат.

ТАШАББУС, ШИЖОАТ ВА ИМКОНИЯТ

Бир неча йилдики, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ва қатор вазирлик ҳамда идоралар ҳамкорлигида анъанавий тарзда ташкил этилаётган “Бунёдкор” талаба-ёшлар меҳнат ҳаракати аъзолари мамлакатимиздаги улкан қурилишларда ғайрат-шижоат кўрсатиб келишмоқда. Айни пайтда юртимизнинг барча ҳудудларида зарбдор меҳнат жамоалари тузилган. Уларга олий ўқув юрталари талабалари қаторида меҳнат билан банд бўлмаган ёшлар ҳам жалб қилинган. Барча меҳнат гуруҳларида бунёдкор

ёшларнинг вақтида мазмунли ҳордиқ чиқариши, овқатланиши, эҳтиёж туғилганида, тиббий хизматдан фойдаланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Кези келганда, эътироф этиш жоизки, бундан етти йил муқаддам “Бунёдкор” талаба-ёшлар меҳнат ҳаракатининг ташкил қилинишига ёшларимизнинг ташаббускорлиги сабаб бўлган эди. Зеро, ушбу ҳаракат Қарши муҳандислик-иқтисодий институти, Самарқанд, Термиз, Наманган давлат университетлари талабалари олий таълим муассасаларида талабалар меҳнат от-

рядлари фаолиятини ташкил этиш тақлифини билдиргач, вужудга келди. Маълумки, талаба-ёшлар меҳнат ҳаракатининг асосий мақсади ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд ёшларни қўллаб-қувватлаш, бўш вақтларини фойдали меҳнатга сафарбар қилиш, уларга юртимизда кечаётган бунёдкорлик ишларида қатнашиши учун имконият яратиб беришдан иборат. Бугун ана шу эзгу ният рўёбга чиқмоқда, десак, муболага бўлмайди. Ёшларимиз орасида ватанпарвар, ижтимоий фаол ва профессионал тайёргарлик руҳи-

даги ёшлар сафи тобора кенгайиб бораёпти. Буни 2007 — 2013 йиллар давомида “Бунёдкор” талаба-ёшлар меҳнат ҳаракатида қатнашган 160 минг нафарга яқин ёшлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Шу ўринда “Меҳнат ҳаракатларида иштирок этиш истагидаги ёшлар қаерга мурожаат қилиши керак?” деган савол туғилиши табиий. Жавоб тариқасида шуни билдирамизки, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг барча ҳудудий кенгашилари қошида талаба-ёшлар меҳнат ҳаракатининг бўлинима штаблари таш-

кил этилган. У ерга вақтинча иш билан банд бўлмаган, ўн саккиз ёшга тўлган, жисмонан соғлом, жамоат ишларида фаол қатнаша оладиган ёшлар мурожаат қилишлари мумкин. Меҳнат ҳаракати аъзосининг иш жойидаги фаолияти бевосита икки томон ўртасидаги келишув (шартнома) имзоланганидан сўнг бошланади. Табиийки, шартномага мувофиқ, “Бунёдкор”чилар учун корхона маъмурияти томонидан зарур шарт-шароитлар яратиб бериллади.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

15 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда қўриб чиқдилар.

Аввалроқ, Қонунчилик палатаси Регламентининг талаблари асосида сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи қонун лойиҳасининг дастлабки ҳар тарафлама муҳокама-лари яқунлари юзасидан ўз фикрлари ва тақлифларини масъул кўмитага тақдим этган эдилар. Кўп партиявийлик тизими янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доир энг муҳим вазифаларни ҳал қилиш, демократик давлат барпо этиш доирасида партиялар рақобат муҳитини шакллантириш муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси депутатлари “Сиёсий партия-

лар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини муҳокама этишга синчковлик билан ёндашдилар. Депутатлар таъкидлаганларидек, сиёсий партиялар рақобат муҳитининг шаклланиши ва фаолият кўрсатадиган вакиллик ҳокимияти органларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи шартига айланмоқда.

Бунда парламент аъзолари давлат ва жамият қурилиши ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш тизимида сиёсий партияларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш йўлидан боришни давом эттириш муҳимлигини қайд этдилар. ЎзЛиДеП, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” ДП ва Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияларининг қўшма мажлиси қарорига биноан ташкил этилган депутатлар ташаббускор гуруҳи айнан шу масалани ҳал қилди. Мазкур ташаббускор гуруҳ халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг роли ва аҳамиятини янада кучайтиришга доир тақлифларни таҳлил қилиш асосида “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқди.

(Давоми 2-бетда.)

Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси олдида

Шу кунларда мамлакатимизда Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисига қизгин ҳозирлик кўришмоқда. Хусусан, кўмиталарда қонунлар экспертлар ҳамда соҳа мутахассислари иштирокида ўрганиб чиқилмоқда. Ялпи мажлис кун тартибига киритилган масалалардан бири — “Гаров реестри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидир.

Қулай ишбилармонлик муҳитининг муҳим омили

Маълумки, Президентимиз Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида мазкур қонунни қабул қилиш заруратини алоҳида қайд этган эди. Шуни айтиш керакки, “Гаров реестри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни гаровга қўйилган мулкни ҳисобга олиш, шунингдек, унинг ноқонуний сотилиши ёки бошқа шахсга ўтказилишининг олдини олиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган гаров реестрини ҳисобга олувчи ягона база яратишнинг ҳуқуқий механизмларини белгилаб беради. Ишончли гаров ахборотини тўплаш, уни қайта ишлаш ва гаровга қўйил-

ган мулкка нисбатан ҳуқуқлари бўлган ёки уларга эга бўлишни хоҳлаган шахсларга тақдим этиш, гаровга қўйилган мулкка нисбатан гаров ҳуқуқларининг мавжудлигини аниқлаш ва потенциал қарздорнинг гаровга қўйилган мулкни тўғрисида ахборот бериш гаров реестрини ташкил этишнинг асосий мақсади ҳисобланади. Қонун бўйича гаров реестри жисмоний ва юридик шахсларнинг гаровни таъминлашга, шунингдек, уларни ўзгартиришга ёки тўхтатишга бўлган ҳуқуқлари юзага келиши тўғрисидаги электрон шаклдаги ёзувларни ўз ичига олган ягона ахборот маълумотлар базасини ўзида ифода этади. Сир эмаски, глобал мо-

(Давоми 2-бетда.)



ДОРИЛАМОН КУНЛАР ШУКРОНАСИ

Маъракада бир меҳмон билан танишиб қолдим. Гап орасида “Зап ажаб замонар бўлди-да, бир ярим соат аввал Ололда эдим. “Нексия”да бир юз қирқ километр йўлни бир зумда босиб ўтиб, Ёшларнинг келиши”, деди. Унинг бу гапи бир воқеани ёдига солди.

Утган асрнинг олтинчи йиллари эди. Ёшларнинг келиши тўғрисида кўп гаплар эшитилди. Таомилга кўра, йигит томон тўй ўтувчи қадар қизликка бориши, кичик расм-русумларни бажариши лозим. Аммо йўл олис, бутун бошлиқ қишлоқда эса атиги иккита енгил автомашина бор, денг. Ёшларнинг отаси шу машиналар эгаларига илтимосу илтижо қилади. Кечки пайт улар йўлни пойлайди. Машина эгасининг бўш вақти бор-йўқлигига қараб, қуданикига бориш кўни белгилайди. Ҳозирги ёшларга шундай бўлиши керак-да. Зеро, юртини ардоқласангиз, Ватан сизни бошида кўтариб юради!

Машинқўл суғурчи

Ихтиёр ҚАЙОМОВ, Ёшларнинг келишидаги фуқаролар йигини фаоли.

1991



2013

2003 йил

• “Обод маҳалла йили” деб номланган мазкур йилда мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятини янада жонлантириш, демократик ислохотларни амалга оширишда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш, миллий кадрлар ва аъзоларини мустаҳкамлаш ишида маҳалланинг таъминини кучайтириш, аҳолига моддий ва маънавий қўмақлаш, уни ижтимоий ҳимоя қилиш, муаммоларни жойларда тўғри ва одилона ҳал этишдаги масъулиятини кучайтириш каби устувор вазифалар амалга оширилди.

• Қадимий Хоразм заминидан Ўзбекистон Республикаси мактаб ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари” спорт ўйинлари бошланди. Унда спортнинг 12 тури бўйича 2600 дан зиёд мактаб ўқувчиси беллашди. Андижонда бўлиб ўтган “Баркамол авлод” мусобақасининг республика босқичида эса коллеж ва академик лицейларда тақсил олаётган 2800 нафар ўқувчи қатнашди.

• Андижон вилояти Амир Темур, Хоразм вилояти эса Жалолiddин Мангуберди орденлар билан тақдирланди.

• Давлатимиз раҳбарининг тақлифига биноан Тошкентда Кичик халқ йўлини барпо этиш бошланган эди. 2001/2002 йилларда кўприк ва йўл қурувчилар ушбу йўлни 32 км. узунликдаги дастлабки иккита навбатини фойдаланишга топширдилар. Мазкур йилда ушбу йўлни 8,7 км. узунликдаги учинчи навбатини ётқириш тугалланди. Амир Темур кўчасидан бошланган халқ йўли икки вокзални боғлаб, Мирзо Улуғбек ва Маннон Уйғур кўчалари кесишган жойга етиб борди.

• Бухорода Абдуҳолик Ёшларнинг таваллудининг 900 йиллигига бағишланган катта тантаналар бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда 2013 йилнинг биринчи ярим йиллиги яқунлари бўйича Маҳаллийлаштириш дастури доирасида қиймати

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

5,3

триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Улар орасида зангламайдиган консол насослар, синтетик калава, янги турдаги ҳаво, мойлаш ва ёқилги филтёрлари, болалар ўйинчоқлари, тиш пастаси, косметика ёғлари, ювчи воситалари, аккумулятор моноблоқлари, ер устида ҳаракатланадиган транспорт учун хавфсизлик ойналари, микротўқинли печь каби импорт ўрнини босувчи янги маҳсулотлар бўлиб, бу икки эҳтиёжни ўзимизнинг маҳсулотлар билан таъминлаш имконини кенгайтди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қонун лойиҳасида бир қатор янги қоидаларни жорий этиш назарда тутилмоқда, биринчи навбатда, бу сиёсий партияларга тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботи ёки ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш ҳуқуқи берилишига тааллуқлидир. Бунда қарор депутатларнинг ярмидан кўпи қўллаб-қувватлаган тақдирда қабул қилинади. Партия гуруҳларининг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари Кенгашига киритилганидан қўйиб қўйиш шартлигини мустақамлаб қўйиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, партия гуруҳларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш шартлари ва тартиби белгиланмоқда. Ушбу амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда, эндиликда партия гуруҳлари тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар бўйича тақлифлар киритиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Умуман олганда, мажлисда "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилиши тақлиф этилаётган ўзгаришлар жойларда ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишда сиёсий партияларнинг роли ва ўрнини янада оширишга, уларнинг сайловда платформаси ва дастурий мақсадларини амалга оширишдаги фаолиятини кучайтиришга, шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ўз фаолиятини амалга оширишдаги масъулиятини кучайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Тадбиркорларга кўпроқ эркинлик бериш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини янада ривожланти-

ришга қаратилган "Тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилиш янада мустақамлашни муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар корпуси томонидан қизгин муҳокама этилди.

Масалан, бу "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонунга тегишли бўлиб, унда назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш имконияти назарда тутилган, бироқ шикоят берилиши қарорларнинг амал қилишини тўхтатиб турмайди. Ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ва уларга қўшимча кафолатлар яратиш мақсадида қонун лойиҳасида текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъект томонидан судга шикоят берилганда қўрсатиб ўтилган хатти-ҳаракатлар ёки қарорларнинг ижросини тўхтатиб туриш тақлиф этилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида ҳўжалик судлари томонидан сайёр суд мажлисларини ўтказиш имкониятини белгилаш ҳам назарда тутилмоқда. Депутатларнинг фикрича, мазкур амалиёт республикамизнинг олис туманларидаги тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятини оширишга кўмаклашди, бу эса уларнинг транспортга сарфланган харажатларини жиҳдидан равишда камайтиради. Қонун лойиҳасининг ушбу ва бошқа янгилликлари тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилиши янада мустақамлашга, шунингдек, судларда тадбиркорлик субъектлари ишларини сифатлироқ қўриб чиқишига кўмаклашди.

"Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақида"ги (Тошкент, 2013 йил 14 июнь) қонун лойиҳасини муҳокама қилиш билан Қонунчилик палатаси мажлиси давом эттирилди. Депутат-

лар мамлакатлар ўртасидаги муносабат тенглик, ўзаро ишонч ва стратегик ҳамкорлик асосида барпо этилаётганини таъкидладилар. Ушбу Шартномада сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникацион, маданий-гуманитар, экологик ва бошқа соҳаларда икки томонлама ҳамкорликнинг асосий принциплари ва муҳим йўналишлари мустақамлашни таъкидланди.

Шартномада сув-энергетика соҳасидаги барча масалаларни ҳал қилишни, шу жумладан, трансгегаравий дарёларда янги гидротехник иншоотлар қуришни халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига мувофиқ ва мазкур минтақадаги барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишни назарда тутувчи Марказий Осиёда сувдан фойдаланишнинг адолатли тизимини ривожлантиришда ўзаро келишилган ягона позиция тасдиқланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳар томонлама муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар ушбу қонунни қабул қилдилар, у кейинги кўриб чиқиш учун Олий Мажлис Сенатига юборилди.

Қонун лойиҳаларини муҳокама этишда барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари саволлар ҳамда тақлифлар билан сўзга чиқдилар. Улар ҳар бир ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича партия дастурлари ва сайловчилар фикрларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўз нуқтаи назарларини билдиридилар. Депутатлар маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларидаги партия гуруҳларининг роли ва аҳамиятини янада кучайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, Марказий Осиёда тинчлик, дўстлик ва ҳамкорликни мустақамлашда қўриб чиқилган қонун ҳужжатларининг муҳимлигини алоҳида қайд этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон банк-молия тизими таҳлили шуни кўрсатдики, бугунги кунда гаров учун қўйилган мулкни ихтисослаштирилган реестрларда рўйхатдан ўтказиш тартиби мавжуд. Бирок га-

шартнома тузган жисмоний ва юридик шахслар томонидан ёзув киритиш шартлари алоҳида ёритиб берилмоқда. Бундан ташқари, Қонунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва солиқ ҳамда боғжона хизмати идораларининг бу борадаги

Кулай ишбилармонлик муҳитининг муҳим омили

ровга қўювчи ва олувчилар фойдаланиши мумкин бўлган ягона маълумотлар базаси йўқлиги амалиётда айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу маънода, мазкур Қонун кредитларни расмийлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш, мулкни гаров айланмасига қўшиш ва маблаг ажратишда тижорат банклари рискларини камайтиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Экспертларнинг фикрича, ушбу Қонуннинг амалиётга жорий этилиши мамлакатимизда бизнес ва инвестиция муҳитини янада яхшилайдиган бўлади. Шу ўринда яна бир гап. "Гаров реестри тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши лизинг берувчилар ва лизинг олувчилар учун ҳам ҳуқуқий кафолат тизимини кенгайтиради. Зеро, гаров реестри юзга келиши мумкин бўлган хавфни бартараф этишнинг муҳим воситасига айланади. Негаки, гаров объектнинг мажбурий реестрдан ўтиши лизинг шартномаси томонлари гаров объектнинг ҳуқуқий ҳолати ҳақида ўз вақтида тўлиқ маълумотга эга бўлишига замин яратлади.

Янги Қонунга биноан, гаров реестри тушунчасига таъриф берилган. Унга мувофиқ, гаров реестри кредиторларнинг қарздорлар мол-мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувларни ўз ичига олган маълумотлар базасидир. Қонунда, шунингдек, кредиторларга қарздорларнинг мол-мулкига ҳуқуқлар вужудга келиши учун асослар рўйхати келтирилди. Ҳуқуқий ҳужжатда гаров реестрига ундан фойдаланувчилар — тегишли ташкилот билан

ваколатлари ўз аксини топа-япти. Шунингдек, гаров реестрига ёзув киритиш ва уни чиқариб ташлаш тартиби жорий этилади. Чунончи, бу вазифа интернет орқали бажарилади. Бундан ташқари, ёзувлар қарздор, кредитор тўғрисидаги зарур маълумотларни, уларнинг идентификация маълумотларини, қарздор мол-мулк ва кредиторнинг бу мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари тавсифини ўз ичига олган бўлиши керак. Ёзувни чиқариб ташлаш кредиторнинг қарздор мол-мулкига нисбатан ҳуқуқлари бекор қилинганидан кейин амалга оширилади.

Шу билан бирга, Қонунда гаров реестри ёзувларини сақлаш ва рухсатсиз фойдаланишдан, уларни йўқ қилиб ташлашдан, ўзгариштиришдан муҳофаза қилиш ҳам алоҳида белгилаб қўйилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, "Гаров реестри тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши банк-молия тизимига замонвий гаров реестри муносабатларини жорий этади. Бу эса мамлакатимиз иқтисодий, чунончи, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг банк кредитларидан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтириб, мамлакатда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилашга, молиявий хизматлар қўламини кенгайтиришга, бюрократик тўсиқларни камайтиришга, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Абдурашид АЛТИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси.



ОЗОДЛИК ВА ОБОДЛИК ҲИКМАТИ

Истиқлол туғайли елкамизга офтоб, кўксимизга шамол теги. Касбимиздан барака, меҳнатимиздан роҳат топаёмиз. Илқониятларни-ку, санаб адо қилолмайсиз.

Биргина таълим соҳасидаги ўзгаришларни қаранг?! Шаҳару қишлоқларимизда қурилган мактаблар, лицей ва коллежларни қўриб кўзингиз қувонади. Нақд қошона дейсиз. Ичидаги қўлайликлар, замонвий ўқув жиҳозларини айтаман қўя қолай. Шундай шароитда таълим олаётган ўқувчилардан, албатта, билимдон ва зукко ёшлар чиқади-да. Қолаверса, улар бугун чет тилларини пухта ўраишиаяпти. Турли халқаро фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритишмоқда. Буларнинг барчаси, аввало, юртимиздаги тинч-осойишта ҳаёт, инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислохотлар мевасидир.

Ахир дунёнинг кўп мамлакатлари молиявий-иқтисодий инқироз, нотинчликлар, уруш-жанжаллар, табиий офатлардан катта азият чекаётган бир пайтда Ўзбекистонимизда тараққиёт суръатлари тобора юксалиб бораётгани энг катта бахтимиздир. Шундай экан, озод ва обод Ватанимиз равнақида ҳисса қўшиш ҳар биримизга юксак ғурур ҳамда ифтихор бағишлайди.

Баҳодир АҲМАДЖОНОВ, Марҳамат туманидаги 9-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси, «Дўстлик» ордени соҳиби.



1991

2013

2004 йил

• Давлатимиз раҳбарининг тақлифига биноан 2004 йилга "Меҳр ва муруват йили" деб ном берилди. Ушбу йилда жамиятимизда меҳр-шафқатга муҳтож бўлган ногиронлар ва етим-есирларга, бева-бечораларга, боқувчилардан жудо бўлган, ёлғиз яшаётган одамлар ва кексаларга гамхўрлик қўрилатди. Жамиятимизда аҳиллик, меҳр-оқибатлик, миллатлараро дўстлик муҳитини мустақамлаш, шу мақсадларга эришиш учун тегишли шароит ва имкониятларни яратиш бериш, маҳаллаларнинг бу масаладаги ўрнини янада кучайтириш вазифасига алоҳида эътибор қаратилди.

• Ҳазорасп туманида улкан иншоот — Амурдарё орқали ўтган кўприк ишга туширилди. Унинг очилишига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз сўзга қатнади.

• Президентимизнинг "2004 — 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармони мамлакатда таълим тизимини ислох қилишда муҳим дастуриламал бўлди.

• Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ташкил этилди.

• Республика байналмилал маданият марказида илк бор Жаҳон халқлари куни ўтказилди. Унда Ўзбекистонда яшовчи миллат ва элатларнинг миллий маданиятлари кўргазмаси ҳамда катта концерт дастури намойиш этилди.

• Рустам Қосимжонов шахмат бўйича Жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

• Афинада бўлиб ўтган XXVIII ёзги олимпиада ўйинларида юрдошларимиз икки олтин, бир кумуш ва икки бронза медаллари билан тақдирланишди.

Қисқа сатрларда

• Пойтахтимизда энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз мустақиллигининг йилгирма икки йиллигига бағишлаб, "Қадр-қимматини, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида аёллар спорт фестивали бўлиб ўтди.

• Термиз шаҳрида Савдо-саноат палатаси вилоят худудий бошқармаси ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти томонидан вилоятда туризм, меҳмонхона ва ресторан бизнесини ривожлантиришга бағишланган ўқув семинари ташкил этилди. Тадбир якунида худудда сайёҳликни янада ривожлантириш, экотуризмни кенг йўлга қўйиш, меҳмонхона, рестороанларда хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

• Андижон вилоятининг Булоқбоши туманида "Aglinks plus" халқаро лойиҳаси доирасида уюштирилган шафтоли сайли кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Шафтоли етиштирувчи боғбонлар мусобақасига айланган ушбу сайилда Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро вилоятларидан келган 60 нафардан зиёд тажрибали фермер ва боғбонлар ўзлари етиштирган турли навдаги сархил шафтоли мевалари билан қатнашди.

• Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрида мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги байрамига бағишлаб "Йилнинг энг яхши қўшиғи" танловини ўтказилди. Унда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театри актрисаси Сарвиноз Аннакулова ижро этган "Шундай эркин замонда" қўшиғи ғолиб, деб топилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ТАШАББУС, ШИЖОАТ ВА ИМКОНИЯТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кунда "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати лойиҳаси икки босқичда ўтказилаётган. Биринчи босқич маҳаллалар-

даги вақтинчалик иш билан банд бўлмаган ёшлар ўртасида уюштирилиб, у март ойидан декабрь ойига қадар давом этади. Иккинчи босқич эса ёзги таътил давомида олий таълим муассасалари талабалари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчи талабалари ўртасида уюштирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 4 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги баёни билан тасдиқланган Ўзбекис-

тон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар Дастурига мувофиқ, "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати лойиҳаси жорий йилда "Камолот" ЁИХнинг Марказий кенгаши ва унинг худудий бўлиmlари, жойлардаги ҳокимликлар ҳамда тегишли ташкилотлар томонидан аниқ манзилли режа асосида ташкил этилмоқда.

Хусусан, жорий йилда лойиҳада иштирок этиш учун 25,2 минг нафардан зиёд ёшлар мурожаат қилди. Бугунги кунда республика бўйича жами **20,6** минг нафардан ортиқ ёшлар бунёдкорлик ишларига жалб этилган.

"Бунёдкор — 2013" меҳнат гуруҳлари республикамизнинг турли худудларидаги 677 та меҳнат объектида иш олиб бормоқда. Талаба-ёшлар меҳнат гуруҳлари, асосан, қурилиш-таъмирлаш, қишлоқ ҳўжалиги, ёзги оромгоҳлар ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритишаётган.

Ёзги таътил тугагач, айрим ҳолларда, меҳнат гуруҳлари ўз фаолиятини давом эттириши ҳам мумкин. Бунда унинг фаолияти олий таълим муассасасининг ўқув жараёни жадвалига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Маҳаллада банд бўлмаган ёшлардан иборат гуруҳлар эса йил давомида ишлаб, шунга яраша ҳақ олишади. Ёшларга маош тўлаш иш

мафқуравий имунитетини шакллантириш мақсадида "Юксак маънавият — енгилмас куч", "Ғоявий таҳдид нима?", "Замонамиз қахрамонлари", "Огоҳлик — давр талаби", "Бунёдкор ёшлар — ёш мусаввирлар нигоҳида" деб номланган давра суҳбатлари, маданий-маърифий учрашувлар, "Энг яхши меҳнат гуруҳи", "Меҳнат гуруҳининг энг фаол аъзоси" каби танловлар, "Камолот"да менинг ўрним", "Биз "Камолот" билан" сингари викириналар ўтказилмоқда. Зеро, ушбу саъй-ҳаракатларни амалга оширишдан кўзланган мақсад, шижоатли ёшларимизнинг меҳнатга лаёқатини рағбатлантириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ислохотларида ёшларнинг иштирокини таъминлаш, уларда юртга дахлдорлик туйғусини шакллантиришдан иборат.

Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.



Ёшлар камолоти ва маърифий тарғибот

Инсон камолотида, унинг шахс сифатида шаклланишида маънавий муҳит бекиёс ўрин тутади. Аниқроқ айтганда, ҳар бир халқнинг келажаги унинг маънавий кудратига боғлиқ. Шу боис Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида маънавий юксалишга, маърифий баркамоллик сари интилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

АНЖУМАН

Зеро, ўзликни англашда, аиникса, ёшлар онгу тафаккурида урф-одатларимизга, азалий қадриятларимизга ҳурмат, улар қалбида Ватанга муҳаббат туйғуларини шакл-

лантиришда маънавият ва маърифат тарғиботининг аҳамиятига алоҳида ургу берилмоқда. Негаки, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда азалий қадриятларимизга ёт

ғоялар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли хурружлар тобора кучайиб бораётганини барчамизни ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундайди.

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда алоҳида таъкидланди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмита, Миллий ғоя ва мафқура илмий-амалий маркази, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодини вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўна-

лишларидан бири сифатида белгилангани, бу йўлда амалга оширилаётган тизимли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини эътироф этишди. Хусусан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келётган турли зарарли таъсирлардан асраш масалалари — домий эътиборда. Чунки айнан ана шундай иллатлар халқимизга хос ҳаё, анди-

ша, инсоф, диёнат каби фазилатларга, асрлар давомида шаклланган анъаналаримизга путур етказилди. Анжуманда ўсиб келаятган ёш авлоднинг турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, ёшларни билимли, ватанпарвар ва ҳар томонлама етук этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар чуқур таҳлил қилинди.

М. ЖОНИХОНОВ.

«ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРАТ»

инспекцияси жамоаси

диёримиз аҳлини жонажон
Ўзбекистонимиз
Мустақиллигининг

22 йиллиги

билан қизғин қутлайди.

Барчангизга
мустақкам соғлиқ,
узоқ умр,
оилавий бахт тилайди.

Ҳаётингиз осуда,
хонадонингиз файзли,
орзуларингиз ижобат
бўлсин, азизлар!
Байрамингиз
муборак бўлсин!



«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ»

унитар корхонаси

барча юртдошларимизни
Ватанимиз Мустақиллигининг

22 йиллиги

шодиёнаси билан самимий қутлайди!

Истиклол йилларида мамлакатимиз иқтисодий
жадал суръатларда ривожланиб бормоқда.
Эришилаётган ютуқларда муносиб
ҳиссамиз борлигидан мамнунмиз.
Юртимиз обод, осмонимиз доимо мусаффо бўлиб,
хонадонларимиздан бахт-саодат,
қут-барака аримасин!



«Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2013 йил 17 сентябрь кунини соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- Шўрчи тумани СИБ томонидан хатланган, Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 30 декабрдаги 19-1207/20689-сонли ва 2012 йил 3 майдаги 19-1303/3657-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Шўрчи тумани, Кўклам маҳалласида сақланаётган:
- 2006 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai Santa Fe» русумли автомашина, давлат рақами 75 101 DAA.
- Бошлангич баҳоси — 89 433 803 сўм.**
- 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz DLX B3FBH9K-82» русумли автомашина, давлат рақами 75 635 BAA.
- Бошлангич баҳоси — 20 213 997 сўм.**
- ЖИБ Жарқўрган тумани судининг 2013 йил 29 майдаги 1-68-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, «BA3-21011» русумли автомашина, давлат рақами 75 O 824 DA.
- Бошлангич баҳоси — 3 520 000 сўм.**
- Шеробод тумани СИБ томонидан ФИБ Шеробод тумани судининг 2011 йил 22 мартдаги 1-889-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шеробод тумани суди ҳовлисида сақланаётган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБ-А-Нexia-СНГ» русумли автомашина, давлат рақами 19 M 62 76, таъмирталаб.
- Бошлангич баҳоси — 17 086 000 сўм.**
- Денов тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 30 декабрдаги 19-1201/18904-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, «BT-150D» русумли трактор, давлат рақами 77-81 СН.
- Бошлангич баҳоси — 52 852 088 сўм.**
- Узун тумани СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2012 йил 17 майдаги 01-748-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Узун тумани ИИБда сақланаётган, 1970 йилда ишлаб чиқарилган, «BA3-2101» русумли, давлат рақами 19 F 35 19.
- Бошлангич баҳоси — 2 000 000 сўм.**
- Узун тумани СИБ томонидан ФИБ Сарийосиё туманлараро судининг 2013 йил 17 майдаги 01-748-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Узун тумани ОАТБ «Микрокредитбанк»да сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz MX» русумли, давлат рақами 75 R 533 AA.
- Бошлангич баҳоси — 21 500 000 сўм.**

Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Термиз шаҳри, Ф. Ҳўжаев кўчаси, 32-уй, Тадбиркорлар маркази. Телефон: (+99898) 100-86-86.

— Шўрчи тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 28 декабрдаги 19-1206/14484-сонли ижро варақаси ва ажримига асосан хатланган, ДАТ «Асака» банки Сурхондарё вилояти филиали ҳовлисида сақланаётган:

- * «ТТЗ-8010» русумли трактор, давлат рақами 50-23 HE.
- Бошлангич баҳоси — 22 429 406 сўм.**
- * «ТТЗ-8010» русумли трактор, давлат рақами 50-24 HE.
- Бошлангич баҳоси — 22 429 406 сўм.**
- * «ТТЗ-8010» русумли трактор, давлат рақами 50-25 HE.
- Бошлангич баҳоси — 22 429 406 сўм.**
- * «ТТЗ-8010» русумли трактор, давлат рақами 50-26 HE.
- Бошлангич баҳоси — 22 429 406 сўм.**
- * «2 ПТС-4-793А-03А» русумли тиркама, давлат рақами 20-40 ELL.
- Бошлангич баҳоси — 5 309 767 сўм.**
- * «2 ПТС-4-793А-03А» русумли тиркама, давлат рақами 20-41 ELL.
- Бошлангич баҳоси — 5 309 767 сўм.**
- * «2 ПТС-4-793А-03А» русумли тиркама, давлат рақами 20-42 ELL.
- Бошлангич баҳоси — 5 309 767 сўм.**
- * «2 ПТС-4-793А-03А» русумли тиркама, давлат рақами 20-43 ELL.
- Бошлангич баҳоси — 5 309 767 сўм.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилиш савдо кунидан 1 (бир) кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатал келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 (ун) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закатал пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

«TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ риэлторлик ташкилоти

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Очиқ аукцион савдосига «KINDER FRUITS» МЧЖнинг Каттақўрғон филиали (консерва заводи) қўйилмоқда.

Мулкнинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли	Мулкнинг асосий фаолият йўналиши ва жойлашган манзили	Мулкнинг бошлангич баҳоси (сўм)	Савдо тури (аукцион ёки бошқа)	Савдо шакли
«KINDER FRUITS» МЧЖнинг Каттақўрғон филиали (консерва заводи) бино-ишоотлари, мол-мулклари билан яхлит ҳолда, тўлиқликча сотилади	Мева-сабзавотларни қайта ишлаб чиқаришга мўлжалланган мулкый мажмуа, Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри, Ингичка кўчаси, 10-уй	7 936 372 241,0	Аукцион	Очиқ

Очиқ аукцион шартлари

Очиқ аукцион қолиби уллуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридagi маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини бир йил муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарт билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фойз ҳисобланади.

Объект фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағларни харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб бериш шарт билан сотилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминоти таъминлаш билан боғлиқ барча харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), очиқ аукцион савдоси ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар ва бошқа юзага келадиган харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Аукцион савдосини ўтказиш кунлари: 2013 йил 19, 26 сентябрь, 3, 10, 17, 24, 31 октябрь, 7, 14, 21, 28 ноябрь. Аукцион савдолари соат 16.00 да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хонада (мажлислар залида) ўтказилади.

Аукцион савдосида белгиланган талабларга риоя этган барча юридик ва жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари қатнашишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар белгиланган тартибда савдо ташкилотчиси билан тузилган закатал пули тўғрисидаги келишувга асосан, бошлангич баҳосининг 10 (ун) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини «Tashkent prof invest» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204955218001, МФО: 00425, СТИР: 207142288.

Талабгорлардан буюртманомалар, тўлов ҳужжатлари, шахсини тасдиқловчи ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари савдо ташкилотчисининг қуйида кўрсатилган манзилида мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ҳамда аукцион савдоси ўтказилиши кунидан бир кун аввал соат 17.00 да тўхтатилади.

Ушбу мулкни харид этишга қизиқиш билдирган талабгорлар унинг тавсифи, ҳақиқий ҳолати, жойлашган жойи ва мўлжали ҳамда аукцион савдосини ўтказиш тартиб-қоидалари билан сотувчи ва савдо ташкилотчисининг қуйида кўрсатилган манзилига бориб ёки алоқа воситалари орқали танишишлари мумкин.

Сотувчи — «KINDER FRUITS» МЧЖ юридик манзили:

Тошкент вилояти, Янгийул тумани, Янгийул шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй. Телефон: (8-371) 293-20-52.

Савдо ташкилотчиси — «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ риэлторлик ташкилоти юридик манзили:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефон: (8-371) 233-20-13. Веб-сайт: TPI.uz.

Лицензия: № RR-0109.

«OBIDA RIEL PROF FESIONAL» МЧЖ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади. Аукцион савдосида қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

- Кўчон шаҳар СИБ томонидан ФВХ судининг 2013 йил 18 мартдаги 15-13-03/2240-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Кўчон шаҳри, Хожиробот кўчаси, 19-уйда жойлашган ун тегиричнинг ҳамда бино-ишоотлари. Қурилиш майдони — 8055,07 кв.м.
Бошлангич баҳоси — 668 600 000 сўм.
 - Олтиариқ тумани СИБ томонидан ФИБ Риштон туманлараро судининг 2012 йил 17 февралдаги 1-106-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФИ, Охунбобоев кўчасида жойлашган рақамсиз уй-жой.
Бошлангич баҳоси — 100 000 000 сўм.
- Кўчмас мулклар билан туман (шаҳар) суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Очиқ аукцион савдоси 2013 йил 18 сентябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.
- Манзил: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 60-уй. Телефон: (8-595) 400-46-37. Лицензия № RR-0118.

Qishloq Qurilish Bank

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»

банк филиалларига «Турникет-калитка»
воситаларини етказиб бериш ва ўрнатиш бўйича
танлов эълон қилади.

Танловда қатнашиш учун таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун давомида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун манзил:
100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 36-уй.
Телефон: (+99871) 150-76-85.

Тошкент молия институтини ректорати ва касаба уюшма кўмитаси Аудит кафедраси муdiri Ш а ҳ о б и д д и н Файзиевга волидаи муҳтарамаси МУНИРА аянинг вафоти муносабати билан чунор таъзия изҳор этади.



ЧАМАНЛАРГА БУРКАНГАН ВАТАН

Бу йил жазирама жуда забтига олди-да. Атрофни жазгана қилиб юборай деди ўзим. Шундай палларда ҳамма ўзини соя-салқинга урди. Сўлим боғу хибоблардан нажот топди.

Тўғри-да, кун қайнаганда ям-йилли дарактзорлар — жоннинг роҳати. Фаввораларни-ку, айтмай қўя қолай. Ёнида бир зум тин олсангиз, экиндан танангиз яйради. “Бир пайтлар қақроқ ерлар, бетон билан қопланган файсиз майдонлар ўрнида боғу роғлар барто этила бошлаганда, айримларнинг ҳафсаласи тир бўлганди. Ҳатто “Мева солмас, дармад келтирмаса, бунча харажат қилиб боғ қуришининг кимга кераги бор?” дегувчиларни учратганман. Мана, бугун ўшалар ҳам тан берайти. Ана шу бунёдкорликлар ташаббускорига раҳмат айтаёйман.

Бизнинг иштироқат боғимиз ҳам айни дамда одамлар билан аважум. Уни 126 гектарлик чаманзор, десак, хато эмас. 21 гектарлик сунғий қўл, замонавий аттракционлар, ажойиб фавворалар, ўйингоҳ, томошагоҳ, югуриш йўлаклар, елканли қайиқлар... Тондан тунгача ишлаб турибди. Кимдир ўғил-қизлари, жасиялари, яна кимлардир набираларини етаклаб шу ера келишарди. Биласизми неча? Чунки бу ерда ҳаммининг кайфияти чоғ. Ён-атрофни болаларнинг шодон қўйиқларидан туган. Дилларда сурур, Иштироқ сурури.

Ҳадемай, Ўзбекистонимизнинг ҳар қарич ери ана шундай боғу роғларга бурканади!

Баҳодир РАЖАБОВ,
Навой шаҳридаги Алишер Навоий номидаги
марказий маданият ва иштироқат боғи
директори.

БУНЁДКОРЛИК

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги байрами арафасида Наманган шаҳрининг Зирабулоқ кўчасидаги иккита кўп қаватли тураржой биноси қурилиши якунланди.

Байрамга муносиб туҳфа

Биринчи қаватидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ўрин олган бу иморатлар яқин кунлар ичида 84 оилани ўз бағрига олади. Ҳар иккита бинони қуриш учун маҳаллий тадбиркорларнинг сармоялари йўналтирилди. Ўзбекистоннинг аъёнлари ассосида тикланган бу уйларга, айниқса, ёш оилалар томонидан катта қизиқиш билдириляпти.

Айтиш жоизки, бинокорлар вилоят марказида ишлаб чиқариш, савдо, маиший хизмат ва сервис йўналишидаги 12 та иншоотда сўнгги пардозлаш ишларини амалга оширишмоқда. Улар энг улуг, энг азиз байрамимиз тантаналари арафасида фойдаланишга топширилади.

Қудратилла
НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Санъатим — иқболим

“Туркистон” санъат саройида “Санъатим сенга, обод юртим!” кўрик-танловининг республика босқичи якунланди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан ҳар иккита йилда бир маротаба ўтказилиши йўлга қўйилган ушбу кўрик-танловда турли соҳа ходимлари қатнашди.

ТАНЛОВ

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб “Кадр-кимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил

Ўзбекистон!” шиори остида уюштирилган мазкур танловнинг якунловчи босқичида вилоятлар, Қорақалпоғистон Рес-

публикаси ва Тошкент шаҳридан иккита юз нафардан зиёд хаваскор ижрочилар ўз истеъдодларини намойиш этдилар.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан барча йўналишларда голиблар аниқланди. Хусусан, анъанавий ижрочилик бўйича биринчи ўрин Қорақалпоғистон Республикаси, Қонлиқул тумани тиббиёт бирлашмаси ходими З. Тлеуовага, эстрада йўналишида Шофиркон туманидаги 5-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Р. Холовга, якка

чолғу ва ансамбль ижрочилиги бўйича Ургут туманидаги 16-мактаб ўқитувчиси О. Зиёдуллаевага, якка рақс ижрочилиги бўйича эса Андижон шаҳар “Болалар шаҳарчаси”нинг ўқитувчиси Алишер Тожибоевга насиб этди. Голиб ва совриндорлар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Тадбир “Санъатим сенга, обод юртим!” республика



кўрик-танлови иштирокчиларининг гала-концерти билан якунланди.

Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА.

Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР
ТОМОНИДАН КАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ
ҲУЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ
ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 3 АВГУСТДАН 8 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган шахсларни қўздан кечириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 15 июлдаги 01-02/20-18-сонли қарори.

2013 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1307-3 (2013 йил 12 августдан кучга кирди).

2. «Радиоалоқа воситаларига, телевидение ва радиосинтизиш дастурларини қабул қилишга таъсир этувчи радиоҳалқатларни бартараф этиш учун буюртма қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 15 июлдаги 37-мқ-сонли қарори.

2013 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1543-1 (2013 йил 12 августдан кучга кирди).

3. «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (23-сонли БҲМС) «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантиришга ўзгаришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 24 июлдаги 72-сонли буйруғи.

2013 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1484-1 (2013 йил 12 августдан кучга кирди).

4. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 11 июлдаги ПФ — 4547-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ифозалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 2 августдаги 74-сонли буйруғи.

2013 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2497 (2013 йил 12 августдан кучга кирди).

5. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси магистратурасига ўқишга кириш учун номзодларни дастлабки танловдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректорининг 2013 йил 25 июлдаги 113-сонли буйруғи.

2013 йил 8 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2498 (2013 йил 12 августдан кучга кирди).

6. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича маслаҳат марказининг намунавий низомини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 24 июндаги 36, 62, 2013-34-сонли қарори.

2013 йил 8 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2499 (2013 йил 12 августдан кучга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 ноябрдаги ПФ-4482-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом» (рўйхат рақами 2401, 2012 йил 21 ноябрь). Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2013 йил 7 августдаги 240-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгариш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносибати билан давлат реестридан чиқарилди.

Реклама ва эълонлар

Fitch Ratings

O'ZSANOATQURILISHBANK

«FITCH RATINGS» Халқаро рейтинг агентлиги

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» очик акциядорлик тижорат банкининг

миллий валютадаги узоқ ва қисқа муддатли рейтингларини

В даражасида

«БАРҚАРОР»

истиқболи билан қайта тасдиқлади.

2013 йил, август.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очик аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона вилояти филиалида 2013 йил 4 сентябрь куни соат 14.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйиладиган кўчмас мулклар такрон қўйилмоқда:

1. Кувасой шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2012 йил 17 майдаги 15-12-05/17159-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, Кувасой шаҳри, Арсиф шаҳарчасида жойлашган, «Арсиф механизатор» ММТПга тегишли, умумий майдони 205,0 кв.м., фойдаланиш майдони 205,0 кв.м., бўлган, 0013-литердаги шийпон (темир навес).

Бошланғич баҳоси — 9 043 797 сўм.
2. Кува тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2009 йил 20 апрелдаги 15-09-03/3897-сонли, 2009 йил 3 августдаги 15-09-04/14383-сонли, 2009 йил 13 ноябрдаги 15-09-07/21969-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Кува тумани, «Мухитдинов» ҚФЙ, Сўфи қишлоғида жойлашган, «Мирзакосим Мансуров» ММТПга тегишли, умумий майдони 1821,96 кв.м. бўлган шийпон (бетон навес).

Бошланғич баҳоси — 52 831 216 сўм.
3. Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 2-125-2011-

сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фруктовый Рай» агрофирмасига тегишли, Олтиариқ тумани, «Қапчугай» ҚФЙ, «Шарқ тонги» МФЙ, Қапчугай кўчасида жойлашган, умумий майдони 6 048,78 кв.м., фойдаланиш майдони 3 577,98 кв.м. бўлган маъмурий бино-иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 332 321 863 сўм.
Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда — 2013 йил 2 сентябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Очик аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фойзидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қўйиладиган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион голиби сотиб олган мулк қийматини 5 (беш) банк кунли муддатда тўлиқ тўлаши керак. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулкка доир тақдим этилган ҳужжатлар билан танишиш, савдода иштирок этиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва қўшимча саволлар бўйича қўйиладиган манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғинович кўчаси, 22-уй.
Телефонлар: (+99873) 224-69-96, (+99890) 231-38-59.

Лицензия: № RR-0017.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 79 697 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Набатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Набатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳах — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.45 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5